

## ШАРТНОМА № 17

Тошкент ш.

2022 ийл "16" июнь

Устав асосида фаолият юритувчи Узбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги номидан директор А.Сайдуллаев, кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб аталади, бир тарафдан ва Устав асосида фаолият юритувчи «MEDIA SHOW TV» МЧЖ ("BIZ Music" онлайн телеканали) номидан директор В.Когай, кейинги ўринларда "Ижрочи" деб аталади, иккинчи тарафдан, биргаликда "Томонлар" деб аталувчилар мазкур шартномани куйидагилар ҳақида туздилар:

### 1. Шартнома предмети

1.1. Ушбу шартнома оркали "Ижрочи" Ёшлар сиёсатига оид тахлилий хужжатлибадий фильм тайёрлаш ва шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган 1- ва 2- ва 3-иловаларда көлтирилган ҳолатда тайёр медиа-махсулотларни тақдим этиш, "Буюртмачи" эса ушбу кўрсатилган хизматлар учун "Ижрочига" ҳақ тўлашни зиммасига олади.

1.2. Мазкур шартноманинг 1.1-бандида назарда тутилган "Ижрочига" тўланиши лозим бўлган ҳақ қўшимча қиймат солиғи билан бирга **271 400 000 (икки юз етмиш бир миллион тўрт юз минг)** сўмни ташкил этади ва мазкур шартнома имзоланганидан сўнг 3 иш кунида ушбу ҳақнинг 30% қисми дастлабки тўлов сифатида тўлаб берилади.

1.3. Шартнома бўйича қолган тўловлар Ижрочи томонидан Буюртмачига тақдим этиладиган ва ҳар икки тараф имзолайдиган бажарилган ишлар далолатномасига асосан амалга оширилади.

### 2. Тарафларининг ҳукуқ ва мажбуриятлари

2.1. "Ижрочи" куйидаги ҳукуқларга эга:

"Буюртмачидан" кўлланма учун мазкур шартноманинг 1.2-бандида назарда тутилган миқдорда ва тартибда ҳақни талаб қилиш.

2.2. "Ижрочининг" мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

Сифатли хизмат кўрсатиш, медиа-махсулотларни ўз вақтида, юкори савияда, телевизион эфир учун мосланган **16:9 форматда 20 bitrate Full HD (1920x1080) техник сифатда** тақдим этиш.

2.3. "Буюртмачи" куйидаги ҳукуқларга эга:

"Ижрочидан" хизматни сифатли, турли камчиликларсиз амалга оширишини талаб ва мазкур шартномада белгиланган муддатларда тақдим этилишини талаб қилиши.

2.4. "Буюртмачининг" мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

"Ижрочига" бажарилган хизмат учун мазкур шартноманинг 1.2-бандида назарда тутилган миқдорда ва тартибда ҳақ тўлаши.

### 3. Тарафларининг жавобгарлиги

3.1. "Буюртмачи" ушбу шартномада келишилган тўлов муддатига риоя этмаган ҳолларда, тўлов кечиктирилган ҳар бир кун учун "Ижрочига" мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,4% миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмаган миқдорда пея тўлайди.

3.2. "Ижрочи" мазкур шартнома юзасидан мажбуриятларини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги окибатида хатоларни тузатишга сарфланадиган қўшимча ва кўзда тутилмаган харажатлар ёки Ёшлар ишлари агентлиги ёхуд бошқа учинчи шахслар билан тузилган шартномаларга асосан қўлланиладиган молиявий жарима ва санкциялар натижасида етказилган ҳар кандай зарарни "Буюртмачига" тўлиқ қоплаб беради.

3.3. Мазкур шартнома шартларида кўзда тутилмаган бошқа ҳолатларда тарафлар Узбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳукукий базаси тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ иш юритадилар.

#### **4. Коррупцияга қарши қоидалар**

4.1. Томонлар шартнома бўйича ўз зиммаларидағи мажбуриятларни бажариш давомида Ўзбекистон Республикасининг коррупсияга карши қураш тұғрисидаги қонунлари талабларига зид келувчи бирон бир хатти-харакатларни содир этмайдилар, жумладан, бир Томон ходимларининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда бажариши лозим ёки мумкин бўлган муайян харакатни пора берадиган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали пора таклиф этиш, ваъда бериш, таъма қилиш, тўлаб бериш каби харакатларни содир этмайдилар, яъни ходимлар моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкий манфаатдор бўлишга розилик бермайдилар. Томонлар кўрсатиб ўтилган хатти-харакатларга йўл қўйилмаслиги бўйича тегинили чоралар қўрилишини кафолатлайдилар.

4.2. Агар шартнома бўйича бир Томон иккинчи Томон ходимининг ушбу шартномага ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлган хатти-харакатига, шу жумладан коррупцион қонунбузарликни содир этишига мажбурлани ҳолатига дуч келса, бу ҳақда иккинчи Томоннинг масъул ходимларига маълум қилиши лозим.

#### **5. Форс-мажор**

5.1. Сув тошқини, зилзила ва бошқа табиий ҳодисалар, шунингдек, ҳарбий харакатлар, камал ҳолати ва давлат органларининг ҳужжатлари ёки хатти-харакатлари, ёки томонларининг назоратидан ташкари бўлган бошқа вазиятлар шартнома тузилганидан кейин юзага келганилиги мазкур шартнома шартлари бажарилишига тўскинилек қилса, Томонлар ушбу шартнома юзасидан жавобгар хисобланмайдилар.

#### **6. Низоларни ҳал этиши тартиби**

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиккан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустакил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик меъёrlарига кўра бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

#### **7. Кўшимча шартлар**

7.1. Мазкур шартнома Молия вазирлиги Фазначилигига рўйхатдан ўтган пайтдан бошлаб кучга киради ва 31.12.2022 йилга қадар амалда бўлади.

7.2. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

#### **8. Томонларининг манзиллари ва банк реквизитлари**

<b>БУЮРГМАЧИ</b> <b>O‘zbekiston Respublikasi</b> <b>Yoshlar ishlari agentligi</b> 100011, Toshkent shahar, Navoiy ko‘chasi, 11 “Markaziy bank” Toshkent shahar Bosh boshqarmasi IFUT 84111, MFO 00014, STIR 207 323 290 XS 400110860262777049995225001 Moliya vazirligi g‘aznachiligi Amaliyot boshqarmasi G‘azna XS 23 402 000 300 100 001 010 “Markaziy bank” Toshkent sh. Boshqarmasi MFO 00014 STIR 201122919 Direktor  A. Sa'dullayev	<b>ИЖРОЧИ</b> <b>«MEDIA SHOW TV» МЧЖ</b> Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Марказ 2, 24А-үй, x/p: 20208000305148325001 “Hamkorbank” Чилонзор филиали МФО: 01108 СТИР: 306894427 
--	---

X/  
 (Хукукий хулоса  
 билан)

2022 йил 16 июнданги  
17-сонли шартномага 1-илова

Биз қуида имзо чекувчилар, Устав асосида фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги номидан директор А.Саъдullaев, кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб аталади, бир тарафдан ва Устав асосида фаолият юритувчи «MEDIA SHOW TV» МЧЖ (“BIZ Music” онлайн телеканали) номидан директор В.Когай, кейинги ўринларда “Ижрочи” деб аталади, иккинчи тарафдан, биргаликда “Томонлар” деб аталувчилар мазкур шартнома нархи ва кўрсатиладиган хизматлар бўйича қуидагиларга келишиб олдик:

Шартноманинг умумий суммаси: **271 400 000 (икки юз етминиш бирр миллион турт юз минг) сўм, ККС билан бирга**

№	Номи	Тайёрланган муддати	Нархи	ККС 15%	Сумма (ККС билан бирга)
1.	Ёшлар сиёсатига оид таҳлилий-бадиий фильм тайёрлаш	30 кун	236 000 000	35 400 000	271 400 000
<b>Жами</b>					<b>271 400 000</b>

<p><b>БУЮРТМАЧИ</b>  <b>O'zbekiston Respublikasi</b>  <b>Yoshlar ishlari agentligi</b></p> <p>100011, Toshkent shahar, Navoiy ko'chasi, 11  “Markaziy bank” Toshkent shahar  Bosh boshqarmasi IFUT 84111,  MFO 00014, STIR 207 323 290  XS 400110860262777049995225001  Moliya vazirligi g'aznachiligi  Amaliyot boshqarmasi  G'azna XS 23 402 000 300 100 001 010  “Markaziy bank” Toshkent sh. Boshqarmasi  MFO 00014 STIR 201122919</p> <p>Direktor</p>  <p>A, Sa'dullayev</p>	<p><b>ИЖРОЧИ</b>  <b>«MEDIA SHOW TV» МЧЖ</b></p> <p>Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Марказ 2, 24А-уй,  х/р: 20208000305148325001  “Hamkorbank” Чилонзор филиали  МФО: 01108  СТИР: 306894427</p> <p>Директор</p> 
--	---

2022 йил 16 июндағи  
17-сонлы шартномаға 2-ілдөв

Биз күйіда имзо чекувчилар, Устав асосида фаолият юритувчи Үзбекистон Республикаси **Ёшлар ишлари агентлиги** номидан директор А.Са'дұллаев, кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб аталади, бир тарафдан ва Устав асосида фаолият юритувчи «MEDIA SHOW TV» МЧЖ (“BIZ Music” онлайни телеканали) номидан директор В.Когай, кейинги ўринларда “Ижрочи” деб аталади, иккінчи тарафдан, биргалиқда “Томонлар” деб аталувчилар мазкур шартнома нарында құрсағылған хизматтар буйынша қуидагиларга келишиб олдик:

№	Талаб номи	Таснифи
1.	Видео маҳсулотлардаги тасвир сифати	Full HD (1920x1080) 16:9 форматда 20 bitrate ва уйдан юқори
2.	Овоз	AAC форматдаги 320 кб/с - стерео сифатда ва уйдан юқори.
3.	Видеолар сони	1 та
4.	Видеолар давомийлиги	60-90 дақықа
5.	Мавзуу	Ёшлар сиёсатига оид таҳлилий-бадий фильм тайёрлаш
6.	Видео маҳсулотларнинг ишчи тили	Ўзбек тили
7.	Видео маҳсулотларни тасвирга олишда фойдаланиладиган техник ускуналар	Камера – Canon Mark 5D Mark IV Объектив – 16мм, 24мм, 35мм, 50мм, 135мм Күшимча – Ronin
8.	Монтаж	16:9 форматда 6K WS (6144x2592) yoki 4K (3840x2160), професионал монтаж, рангли коррекция

<b>БЮОРТМАЧИ</b> <b>O'zbekiston Respublikasi</b> <b>Yoshlar ishlari agentligi</b> 100011, Toshkent shahar, Navoiy ko'chasi, 11 "Markaziy bank" Toshkent shahar Bosh boshqarmasi IFUT 84111, MFO 00014, STIR 207 323 290 XS 400110860262777049995225001 Moliya vazirligi g'aznachiligi Amaliyot boshqarmasi G'azna XS 23 402 000 300 100 001 010 "Markaziy bank" Toshkent shahar Boshqarmasi MFO 00014 STIR 201122919  Direktor _____ A. Sa'dullayev	<b>ИЖРОЧИ</b> <b>«MEDIA SHOW TV» МЧЖ</b> Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Марказ 2, 24А-йи., x/p: 20208000305148325001 "Hamkorbank" Чилонзор филиали МФО: 01108 СТИР: 306894427
 	

2022 йил 16 шундаги  
17-сонли шартномага 3-илова

Биз қўйида имзо чекувчилар, Устав асосида фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги номидан директор А.Саъдуллаев, кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб аталади, бир тарафдан ва Устав асосида фаолият юритувчи «MEDIA SHOW TV» МЧЖ (“BIZ Music” онлайн телеканали) номидан директор В.Когай, кейинги ўринларда “Ижрочи” деб аталади, иккинчи тарафдан, биргаликда “Томонлар” деб аталувчилар мазкур шартнома нархи ва қўрсатиладиган хизматлар бўйича қўйидагиларга келишиб олдик:

### СМЕТА

№	Махсулот номи	Сони	Улчов бирлиги	Нархи	Жами (сўм)
1.	Постановка режиссёр	1	киши	30 000 000	30 000 000
2.	Постановка оператор	1	киши	25 000 000	25 000 000
3.	Оператор	1	киши	15 000 000	15 000 000
4.	Режиссёр ассистенти	1	киши	8 000 000	8 000 000
5.	Либослар бўйича рассом	1	киши	10 000 000	10 000 000
6.	Картина директори	1	киши	20 000 000	20 000 000
7.	Сценарий муаллифи	1	киши	22 000 000	22 000 000
8.	Монтаж устаси Post Production	2	киши	15 000 000	30 000 000
9.	Дубляж	3	кун	8 000 000	24 000 000
10.	Грим устаси	1	киши	7 000 000	7 000 000
11.	Хайдовчи	5	кун	1 000 000	5 000 000
12.	Сафар харажатлари	5	кун	3 000 000	15 000 000
13.	Махсус техника ижараси RED DRAGON (Kinokamera). Rels Telejka (PANTHER), Operator kran 12 m, Steadicam,	5	кун	5 000 000	25 000 000
14.	KKC 15 %				35 400 000
Жами:				271 400 000	

Шартноманинг умумий суммаси: 271 400 000 (иқки юз етминни бир миллион турт юз минг) сўм, ККС билан бирга

<b>БУЙОРТМАЧИ</b> O'zbekiston Respublikasi Yoshlar ishlari agentligi 100011, Toshkent shahar, Navoiy ko'chasi, 11 "Markaziy bank" Toshkent shahar Bosh boshqarmasi IFUT 84111, MFO 00014, STIR 207 323 290 XS 400110860262777049995225001 Moliya vazirligi g'aznachiligi Amaliyot boshqarmasi Газиа XS-23 402 000 300 100 001 010 "Markaziy bank" Toshkent sh. Boshqarmasi MFO 00014 STIR 207 323 290 Direktor A. Sa'dullayev	<b>ИЖРОЧИ</b> <b>«MEDIA SHOW TV» МЧЖ</b> Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Марказ 2, 24А-йи., x/p: 20208000305148325001 "Hamkorbank" Чилонзор филиали МФО: 01108 СТИР:306894427
	Директор

**Ёшлар ишлари агентлиги ва “MEDIA SHOW TV” МЧЖ ўртасидаги  
2022 йил 16 июндаги 17-сонли шартнома лойиҳасининг амалдаги  
қонунчилик хужжатларига мувофиқлиги юзасидан  
ХУҚУҚИЙ ХУЛОСА**

**Шартиома тури:** ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш.

**Шартиома тарафлари:** Ёшлар ишлари агентлиги ва “MEDIA SHOW TV” МЧЖ.

**Шартиомани тузишга асос:** Ёшлар ишлари агентлиги директорининг 2022 йил 15 апрелдаги 01-10/101-сон “Ёшлар сиёсатига оид таҳлилий хужжатли-бадиий фильм тайёрлаш ҳамда уни кенг тарғиб қилиш тўғрисида” буйруги, Ёшлар ишлари агентлиги харид комиссиясининг 2022 йил 13 июндаги 90006-сонли лот бўйича ўtkazilgan йиғилиш баёни.

**Шартиоманинг амалдаги қоиуичилик хужжатларига мувофиқлиги:**

1. Шартнома Узбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг “Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш” деб номланган 38-боби қоидалари билан тартибга солинади.

2. Шартномада унинг нредмети, тарафларнинг мажбуриятлари, хизматларни кўрсатиш муддатлари ва тартиби, хизматлар қиймати ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби, коррупцияга қарши қоидалар (Узбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 сентябрдаги ПФ-6313-сон Фармони З-бандига мувофиқ), тарафларнинг жавобгарлиги, низоларни ҳал қилиш тартиби, форс-мажор ҳолатлари, шартноманинг амал қилиш муддати, тарафларнинг реквизитлари белгиланган.

Ёшлар ишлари агентлиги Юридик бюроси томонидан хукукий экспертизадан ўтказиш натижаларига кўра

**Х У Л О С А :**


Ёшлар ишлари агентлиги ва “MEDIA SHOW TV” МЧЖ ўртасидаги 2022 йил 16 июндаги 17-сонли шартнома лойиҳаси амалдаги қонунчилик хужжатларига мувофиқ таҳрирда тузилган.

Ушбу хулоса шартноманинг суммасига, Ижрочи томонидан кўрсатиладиган хизматлар ва товарларнинг қиймати бозор нархларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги масаласига татбиқ этилмайди ва Юридик хизмат ушбу масала юзасидан жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

**Юридик бюро бошлиғи**

**А.Халиков**

2022 йил 16 июнь

ЛГартнома мэдлийн бодлогодоо  
04.07.22-ийн даруйн 

**“T A S D I Q L A Y M A N”**

O‘zbekiston Respublikasi

Yoshlar ishlari agentligi direktorining  
birinchi o‘rinbosari, xarid komissiyasi raisi  
**J.Xodjayev**

2022-yil 16-iyun

Tanlov savdolarini o‘tkazuvchi xarid komissiyasining davlat xaridlarining elektron portaliga e’lon qilingan 90006-sonli lot bo‘yicha Yoshlar siyosatiga oid tahliliy hujjatli-badiiy film tayyorlash xizmatini xarid qilish uchun  
**o‘tkazilgan yig‘ilish**  
**BAYONI**

2022-yil 16 iyun

Toshkent shahar

Yoshlar ishlari agentligi direktorining 2021-yil 19-iyuldaggi 01-10/152-son buyrug‘iga asosan Yoshlar ishlari agentligi markaziy apparatida tashkil etilgan xarid komissiya quyidagi a’zolari ishtirok etdi:

**Xarid komissiyasi raisi:**

J.Xodjayev Yoshlar ishlari agentligi direktorining birinchi o‘rinbosari;

**Komissiya a’zolari:**

N.Abduqodirov Axborot va media xizmati rahbari;

A.Xalikov Yuridik byuro boshlig‘i;

D.Ubaydullayev Moliya-iqtisod boshqarmasi boshlig‘i;

I.Ziyodilloyev Ishlar boshqarmasi boshlig‘i;

**Komissiya kotibi:**

A.Gulamov Ishlar boshqarmasi bosh mutaxassisi.

**KUN TARTIBI:**

Yoshlar ishlari agentligi direktorining 2022-yil 15-apreldagi 01-10/101-son “Yoshlar siyosatiga oid tahliliy hujjatli-badiiy film tayyorlash hamda uni keng targ‘ib qilish to‘g’risida”gi buyrug‘iga asosan Yoshlar siyosatiga oid tahliliy hujjatli-badiiy film tayyorlash xizmatini xarid qilish bo‘yicha tanlov g‘olibini aniqlash.

(J.Xodjayev, N.Abduqodirov, A.Xalikov, D.Ubaydullayev, I.Ziyodilloyev)

Komissiya raisi kvorum mavjudligi inobatga olib kun tartibini ochish taklifini kiritdi va ovozga qo‘ydi.

**Ovozga qo‘yish:**

Komissiya a’zolari tomonidan taklif bir ovozdan ma’qullandi.

Komissiya raisi 2022-yil 15-apreldagi 01-10/101-son “Yoshlar siyosatiga oid tahliliy hujjatli-badiiy film tayyorlash hamda uni keng targ‘ib qilish to‘g’risida”gi buyrug‘iga asosan Yoshlar siyosatiga oid tahliliy hujjatli-badiiy film tayyorlash xizmatini xarid qilish olish belgilanganligini ma’lum qildi.

Shundan so‘ng, komissiya raisi so‘z navbatini komissiya kotibi A.Gulamovga berdi.

Komissiya kotibi komissiya a’zolarini tanlov savdolarini o’tkazish tartibi bilan tanishtirib, Yoshlar ishlari agentligining 2022-yil 15-apreldagi 01-10/101-son “Yoshlar siyosatiga oid tahliliy hujjatli-badiiy film tayyorlash hamda uni keng targ‘ib qilish to‘g‘risida”gi buyrug‘iga asosan Yoshlar siyosatiga oid tahliliy hujjatli-badiiy film tayyorlash xizmatini xarid qilish to‘g‘risidagi e’lon bo‘yicha tanlov natijalari 2022-yil 13-iyunda maxsus axborot portali etender.uzex.uz saytida 2022-yil 23-maydagi 90006-son lotida elektron shakl (pdf) da shakllanganligini eslatib o’tdi.

2022-yil 13-15-iyun kunlari maxsus axborot portali etender.uzex.uz saytida joylashtirilgan bayon bo‘yicha taklif va shikoyatlar kelib tushmadi.

Shundan so‘ng, Komissiya raisi 2022-yil 23-maydagi 90006-son lotida 2022-yil 13-iyun kuni bo‘lib o‘tgan tanlov g‘olibini tasdiqlash masalasini ovozga qo‘ydi.

Ovozga qo‘yish natijalariga muvofiq xarid komissiyasi

#### **Q A R O R Q I L A D I :**

1. Yoshlar ishlari agentligining Yoshlar siyosatiga oid tahliliy hujjatli-badiiy film tayyorlash xizmatini xarid qilish bo‘yicha 2022-yil 23-maydagi 90006-son lotida 2022-yil 13-iyun kuni bo‘lib o‘tgan tanlov jarayoni yakunlangan deb hisoblansin.

2. Yoshlar ishlari agentligining Yoshlar siyosatiga oid tahliliy hujjatli-badiiy film tayyorlash xizmatini xarid qilish bo‘yicha “**Media Show TV**” MChJ 271 400 000 (ikki yuz yetmis bir million to‘rt yuz ming) so‘m taklifi bilan tanlov g‘olib deb topilsin.

3. Yoshlar ishlari agentligiga tanlov g’olib bilan tanlov savdolari shartlari asosida shartnomaga tuzish tavsiya etilsin.

#### **Xarid komissiyasi a’zolari:**

N.Abduqodirov

A.Xalikov

D.Ubaydullayev

I.Ziyodilloyev

23.06.2024.

**Bayonni yuritdi**

**A.Gulamov**